

ISSN: 2181-9416



# ЮРИСТ АХБОРТОТНОМАСИ

ВЕСТНИК ЮРИСТА \* LAWYER HERALD

хуқуқий, ижтимоий, илмий-амалий журнал



CYBERLENINKA

научная электронная  
библиотека  
**eLIBRARY.RU**

ISSN 2181-9416  
Doi Journal 10.26739/2181-9416

**ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ**  
**2 СОН, 1 ЖИЛД**

**ВЕСТНИК ЮРИСТА**  
**НОМЕР 2, ВЫПУСК 1**

**LAWYER HERALD**  
**VOLUME 2, ISSUE 1**



**TOSHKENT-2022**

Мундарижа

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ.  
МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ

**1. БАҲРОНОВ Шерзод Холмуродович**

НОРМА ИЖОДКОРЛИГИДА ЭКОЛОГИК ТАЛАБЛАР ҲИСОБГА ОЛИНИШНИ  
ТАЪМИНЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМИ ..... 8

**2. НЕМАТОВ Жўрабек Нематиллоевич**

ЎЗБЕКИСТОНДА ҲИМОЯ ОРДЕРИНИНГ МАЪМУРИЙ АКТ МИСОЛИДАГИ  
МАЪМУРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ ТАҲЛИЛИ ..... 16

**3. РАБИЕВ Шерзод Миржалилович, АЗИЗОВ Бунёд Мавлонович**

МАЪМУРИЙ МАЪМУРИЙ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШДА “МАЪМУРИЙ  
КЎМАКЛАШ”НИНГ АҲАМИЯТИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЗАРУРАТИ ..... 22

**ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ИҚТИСОДИЙ ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ.  
ҲАКАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ**

**4. ОКЮЛОВ Омонбой**

“СНОСЛАР” ЖАРАЁНИДА ХАР БИР МУЛҚДОР ҲУҚУҚЛАРИ ВА ҚОНУНИЙ  
МАНФААТЛАРИ ТАЪМИНЛАНИШИ ШАРТ ..... 30

**5. ГУЛЯМОВ Саид Саидахарович, БОЗАРОВ Сардор Соҳибжонович**

ВОПРОСЫ ОТВЕТСТВЕННОСТИ ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА В СФЕРЕ  
ЗДРАВООХРАНЕНИЯ ..... 36

**6. ACHILOVA Liliya Ilxomovna**

VIRTUAL TURIZMNI TASHKIL ETISHNING HUQUQIY JIHATLARI ..... 43

**7. МУРОТОВ Журабек Сафарович**

ИНДИВИДУАЛЛАШТИРИШ ВОСИТАЛАРИГА (ТОВАР, ХИЗМАТ) БЎЛГАН ҲУҚУҚЛАР . 50

**8. ВОСТРИКОВА Виктория Сергеевна, ЧЕРКАШИНА Ирина Александровна**

ДОКТРИНА ФРУСТРАЦИИ НА ПРИМЕРЕ РЕШЕНИЯ ВЕРХОВНОГО СУДА  
СОЕДИНЕННОГО КОРОЛЕВСТВА ..... 55

**9. АБРОРОВА Камола Сайдмухторовна**

ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА В СФЕРЕ  
ДЕЯТЕЛЬНОСТИ МЕЖДУНАРОДНОГО КОММЕРЧЕСКОГО АРБИТРАЖА  
В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН ..... 63

**МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ**

**10. МАДРАҲИМОВА Гулжаҳон Рузимбой қизи**

ИИЛЛИК ҲАҚ ТЎЛАНАДИГАН МЕҲНАТ ТАЪТИЛИНИ ҚЎЛЛАШ АМАЛИЁТИ  
ВА ТАРТИБГА СОЛУВЧИ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАР  
(РИВОЖЛАНГАН ХОРИЖ ДАВЛАТЛАРИ ТАЖРИБАСИ МИСОЛИДА) ..... 70

**ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ, ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ.  
КРИМИНОЛОГИЯ. ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ ҲУҚУҚИ**

**11. ИБРОҲИМОВ Жамшид Абдуғофур ўғли**

ТЕРРОРИЗМНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ЖИНОЯТИ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК ВА УНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ ..... 79

**12. ВОХИДОВ Махкам Мубинович**

ПРЕДЛОЖЕНИЯ ПО СОВЕРШЕНСТВОВАНИЮ ПРАВОВЫХ ОСНОВ ВОССТАНОВЛЕНИЯ  
НАРУШЕННЫХ ПРАВ ЖЕРТВ ПРЕСТУПЛЕНИЙ И ЗЛОУПОТРЕБЛЕНИЯ ВЛАСТЬЮ В  
РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН ..... 86

## МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

---

<b>13. ИСПЛОМОВ Бунёд Очилович</b> ОБСТОЯТЕЛЬСТВА, СМЯГЧАЮЩИЕ НАКАЗАНИЕ И ИСКЛЮЧАЮЩИЕ ПРЕСТУПНОСТЬ ДЕЯНИЯ ПО УГОЛОВНОМУ КОДЕКСУ РЕСПУБЛИКИ БОЛГАРИЯ (СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ) .....	92
<b>14. БОЙДЕДАЕВ Садирдин Абдусатторович</b> КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ИЖТИМОИЙ ЗАРУРАТИ .....	99

### ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ. КРИМИНАЛИСТИКА, ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ҲУҚУҚ ВА СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ

<b>15. АБДУЛЛАЕВ Рустам Каҳраманович</b> ҲОДИСА СОДИР БЎЛГАН ЖОЙНИ КЎЗДАН КЕЧИРИШНИНГ КРИМИНАЛИСТИК ТАЪМИНОТИ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ .....	107
<b>16. ЧУРЯКОВ Эркин Ибрагимович</b> СУД-БАЛЛИСТИКА ЭКСПЕРТИЗАСИДА ЭКСПЕРТ ЭКСПЕРИМЕНТИНИНГ ЎРНИ .....	114

### ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

<b>17. РАХМАНОВ Шухрат Наимович</b> ЕВРОПА ИТТИФОҚИДА МИГРАЦИЯВИЙ ЖАРАЁНЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ШАРТНОМАВИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ .....	119
<b>18. USMANOVA Surayyo</b> YEVRONA ITTIFOQIDA TURIZM: OMMAVIY HUQUQIY JIHATLARI TAHLILI .....	126
<b>19. ХАМДАМОВА Фируза</b> ПРАВОВОЙ СТАТУС РОБОТОВ В МЕЖДУНАРОДНОМ ГУМАНИТАРНОМ ПРАВЕ .....	131
<b>20. КАРИМОВ Оятилло Халимович</b> ПОНЯТИЙНЫЙ АНАЛИЗ ЭКСТРАДИЦИИ В МЕЖДУНАРОДНОМ И НАЦИОНАЛЬНОМ ПРАВЕ: СРАВНИТЕЛЬНО-ПРАВОВОЙ АНАЛИЗ .....	135
<b>21. АЪЗАМХУЖАЕВ Умидхон Шавкат угли</b> МЕЖДУНАРОДНО-ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ ТРАНСПОРТНО-КОММУНИКАЦИОННЫХ СВЯЗЕЙ СТРАН ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ И ЕВРОПЫ .....	141
<b>22. ОЧИЛОВ Шермат Рашидович</b> ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШДА МИНТАҚАВИЙ ҲАМКОРЛИКНИНГ ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ .....	149
<b>23. САЛИЕВА Шахсанем Уснатдиновна</b> ФОРМИРОВАНИЕ ЦИФРОВЫХ ПРАВ ЧЕЛОВЕКА НА СОВРЕМЕННОМ ЭТАПЕ .....	154
<b>24. МИРЗАМУРОДОВ Шоҳруҳ Олимович</b> МЕЖДУНАРОДНОЕ ДОГОВОРНО-ПРАВОВОЕ ЗАКРЕПЛЕНИЕ РЕГИОНАЛЬНОЙ ИНТЕГРАЦИИ В ЦЕНТРАЛЬНО И ЮЖНОАЗИЙСКОМ МАКРОРЕГИОНЕ В РАМКАХ ШОС .....	161

### ҲУҚУҚИЙ АМАЛИЁТ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

<b>25. NAITO Shintaro</b> OVERVIEW OF DRAFTING LEGISLATIVE BILLS IN JAPAN–FOCUSING ON AVOIDING INCONSISTENCY IN LAWS .....	169
<b>26. ТОЖИЕВ Фурқат Шомуродович</b> ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР ФАОЛИЯТИДА ҲУҚУҚИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ МУАММОЛАРИ: ЎЗБЕКИСТОН МИСОЛИДА .....	184
<b>27. ИЛЬЯСОВ Улугбек Бахтиёрович</b> ОСНОВНЫЕ НОВЕЛЛЫ ИНВЕСТИЦИОННОГО ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА НОВОГО УЗБЕКИСТАНА .....	190

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

НЕМАТОВ Жўрабек Нематиллоевич

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси

Давлат ва ҳуқуқ институти Баш илмий ходими, юридик фанлар доктори

E-mail: [jura0404uzb@mail.ru](mailto:jura0404uzb@mail.ru)

## ЎЗБЕКИСТОНДА ҲИМОЯ ОРДЕРИНИНГ МАЪМУРИЙ АКТ МИСОЛИДАГИ МАЪМУРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ ТАҲЛИЛИ

**For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования):** Нематов Ж.Н. Ўзбекистонда ҳимоя ордерининг маъмурий акт мисолидаги маъмурий-ҳуқуқий жиҳатлари таҳлили // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. №2 (2022) Б. 16-21.



2 (2022) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2022-2-2>

### АННОТАЦИЯ

Мақолада ҳимоя ордерининг маъмурий акт мисолидаги маъмурий-ҳуқуқий жиҳатлари таҳлили келтириб ўтилган. Жабрланувчи шахс мурожаатига асосан ички ишлар органлари томонидан берилган ҳимоя ордери маъмурий акт деб тавсифланган. «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги Қонунининг 23-моддасида келтириб ўтилган ҳимоя ордерини бериш, узайтириш ёки ҳимоя ордерини беришни ёхуд узайтиришни рад этиш устидан айнан маъмурий судга шикоят қилиниши таҳлил қилинган. Ҳимоя ордерини бериш, узайтириш ёки ҳимоя ордерини беришни ёхуд узайтиришни рад этишга оид асоссиз ёки ноқонуний қарорлар устидан маъмурий судга шикоят қилиниш мумкинлиги келтириб ўтилган. Давлат томонидан хотин-қизларни тазиқ ва зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилишнинг самарали механизмидан бири сифатида маъмурий судга шикоят қилиш имконияти мавжудлиги асослаб берилган.

**Калит сўзлар:** маъмурий акт, ҳимоя ордери, маъмурий акт белгилари, судга шикоят қилиш, ҳимоя ордерини бериш, узайтириш ёки ҳимоя ордерини беришни ёхуд узайтиришни рад этиш.

НЕМАТОВ Жўрабек Нематиллоевич

Главный научный сотрудник Института государства и права  
Академии наук Республики Узбекистан, доктор юридических наук

E-mail: [jura0404uzb@mail.ru](mailto:jura0404uzb@mail.ru)

## АНАЛИЗ АДМИНИСТРАТИВНО-ПРАВОВЫХ АСПЕКТОВ ОХРАННОГО ОРДЕРА В СРАВНЕНИИ С АДМИНИСТРАТИВНЫМ АКТОМ В УЗБЕКИСТАНЕ

### АННОТАЦИЯ

В статье анализирован административно-правовые аспекты административного акта на примере охранного ордера. В статье охранный ордер, выданный органами внутренних дел по заявлению потерпевшего, приведён в качестве административного акта. Проведен анализ

статьи 23 Закона «О гарантиях равных прав и возможностей для женщин и мужчин» выдачи, продления или отказа охранного ордера и порядок обжалования в административный суд. Указано, что необоснованные или незаконные решения о выдаче, продлении или отказе в выдаче или продлении охранного ордера могут быть обжалованы в административном порядке. Обоснованна возможность обращения в административный суд в качестве эффективного механизма защиты женщин от всех форм притеснения и насилия.

**Ключевые слова:** административный акт, охранный ордер, признаки административного акта, обжалование в суд, выдача охранного ордера, продление или отказ в выдаче охранного ордера.

**NEMATOV Jurabek**

Doctor of Law, Senior Researcher of the Institute of State and Law of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan  
E-mail: [jura0404uzb@mail.ru](mailto:jura0404uzb@mail.ru)

## ANALYSIS OF THE ADMINISTRATIVE LEGAL ASPECTS OF THE PROTECTION ORDER WITH COMPARISON ADMINISTRATIVE ACT IN UZBEKISTAN

### ANNOTATION

The article analyzed the administrative and legal aspects of a protection order on the example of an administrative act. In the article, the protection order issued by the police at the request of the victim was cited as an administrative act. The appeal to the administrative court in cases of issuance, extension or refusal to issue or extend a protection order in accordance with Article 23 of the Law "On Guarantees of Equal Rights and Opportunities for Women and Men" was analyzed. It was indicated that unreasonable or illegal decisions to issue, extend or refuse to issue or extend a protection order can be appealed to an administrative court. The possibility of applying to the administrative court was analyzed as one of the effective mechanisms for protecting women from all forms of harassment and violence.

**Keywords:** administrative act, protection order, signs of administrative act, appeal to court, issuance of protection order, extension or refusal to issue or extend protection order.

Ўзбекистонда кўп соҳаларда бўлгани каби хотин-қизлар ҳуқуқларини муносаб ҳимоя қилишга ҳам катта эътибор берилмоқда. Хусусан, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегияси ижросини таъминлаш, шунингдек, оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш мақсадида тазийқ ва зўравонликдан жабрланувчига давлат ҳимоясини тақдим этувчи, хотин-қизларга тазийқ ўtkазаётган ёки уларга нисбатан зўравонлик содир этган шахсга ёхуд бир гурӯҳ шахсларга нисбатан қонунда белгиланган таъсир кўрсатиш чоралари қўлланилишига сабаб бўладиган ҳужжат, яъни ҳимоя ордерини бериш тизими жорий этилди. Мазкур мақолада ҳимоя ордерининг маъмурий акт бўлиши мумкинлигига оид илмий-назарий таҳлили, шунингдек, ҳимоя ордерини бериш ёки беришни рад этганлик устидан маъмурий судга шикоят қилиш мумкинлиги нуқтаи назаридан ҳимоя ордерининг маъмурий акт мисолидаги маъмурий-ҳуқуқий жиҳатлари таҳлили амалга оширилади.

2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ҳам ёрдамга муҳтоҷ аёллар масалаларига ҳам эътибор қаратилганини кўриш мумкин.

2017 йил 1 июндан Ўзбекистон тарихида биринчи маротаба фуқаролик, жиноят ва иқтисодий судлардан алоҳида бўлган маъмурий судларнинг жорий этилиши, 2018 йил 8 январда Ўзбекистон Республикасининг "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги Қонунининг (кейинги ўринларда МТТтҚонун деб юритилади [1]), шунингдек, 2018 йил 25

январда Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг қабул қилиниши билан Ўзбекистонда маъмурий ҳуқуқ соҳасида янги давр бошланди, десак ҳеч муболаға қилмаган бўламиз. Чунки ушбу янгиликлар ривожланган хорижий давлатлар стандартлари даражасида ҳамда миллий қонунчиликнинг ўзига хос жиҳатларини инобатга олган ҳолда, маъмурий органлар билан муносабатларда қонун устуворлигини, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашнинг энг замонавий қоидаларини мамлакатимизда жорий этди.

Янги жорий этилган маъмурий судлар ўз навбатида назарий ва амалий жиҳатдан янги муаммо ва ўзгаришларни ҳам юзага келтирди [2, Б.212-224]. Жумладан, оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан юзага келадиган низоларни судда кўришда маъмурий актни тўғри аниқлаш ва бунда ягона мезонларни ишлаб чиқиш муҳим масала ҳисобланади.

Аввало шуни таъкидлаш жоизки, маъмурий ҳуқуқда давлат органи ёки унинг мансабдор шахси қарори, ҳаракат (ҳаракатсизлиги) – маъмурий акт ва маъмурий хатти-ҳаракат тушунчаси орқали ифодаланади. Маъмурий акт совет ҳуқуқида ва совет ҳуқуқи таъсиридаги илмий қарашларда “давлат маъмуритининг актлари” (Д. Н. Бахрах, С. Д. Хазанов) [3, Б.7], “бошқарувнинг индивидуал актлари” (И.М.Лазарев) [4, Б. 98-99], шунингдек, миллий олимларимиз томонидан “ҳуқуқни қўллаш ҳужжатлари” (Х.Т.Одилқориев) [5, Б.377], “ҳуқуқни қўллаш (акти) ҳужжати” (З.М.Исломов) [6, Б.830] каби тушунчалар таҳлилини келтириб ўтишган. Бироқ аслида С.С.Алексеев ҳам келтириб ўтган “маъмурий акт” [7, Б.406] маъмурий-ҳуқуқий фаолият ҳосиласи бўлади. Шунга кўра, бу каби номланишларни илмий муомаладан чиқариб, уни маъмурий акт билан алмаштириш лозимлигини таъкидлайдиган қарашлар ҳам мавжуд [8, Б.400].

Бу борада Л.Б.Хван ўз илмий ишларида хорижий (фарб) давлатларида шаклланган “маъмурий акт” тушунчаси тўғрисида фикр юритганда уни совет маъмурий ҳуқуқи ва ундан кейинги даврда мавжуд бўлиб келаётган “индивидуал ҳуқуқий ҳужжат”дан фарқлаш лозимлигини таъкидлаб ўтади. Жумладан, бу икки тушунчанинг энг асосий фарқи фуқаро ва давлат аппарати ўртасидаги ўзаро муносабатнинг фарқидан келиб чиқади. Бунда фуқаро сўровчи, маъмурият қарорини кутувчи мақоми (индивидуал ҳуқуқий ҳужжат)дан, демократик асосдаги “good governance & best regulation & better decision”дан келиб чиқадиган адолатли муносабатларга асосланган мақом (маъмурий акт)га ўтади [9, Б.116].

Маъмурий акт қонунийлигининг шартларига ўтишдан аввал маъмурий актнинг асосий (бешта) белгиларига аниқлик киритиш талаб этилади. Маъмурий акт маъмурий орган томонидан қабул қилинади(1). Бу эса ўз ўрнида МТТтҚонун 4-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 9 декабрдаги ПФ-3358-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2019 йил 24 декабрдаги “Маъмурий органлар ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш бўйича суд амалиёти ҳақида”ги 24-сонли қарори 2-бандига асосланиши тақозо этади [10, Б.42-46]. Маъмурий акт ҳокимият ваколати асосида қабул қилинади(2). Бу эса шартномавий ёки хусусий шахс (давлат ташкилоти ҳисобланмайдиган юридик ва жисмоний шахс) эркин иродаси ифодаланиши, келишувнинг намоён бўлишини истисно этади. Маъмурий акт бир томонламалиги, мажбурийлиги, буйруқ оҳангига эканлиги ва давлат ҳокимиятига асослангани ва унинг иродасини ифодалashi, бошқалардан рухсат сўрамай ўз ваколати доирасида қонуний ҳаракатлана олишни англатади. Маъмурий акт оммавий-ҳуқуқий муносабат, янада аниқроқ айтганда маъмурий-ҳуқуқий муносабат ҳосиласи сифатида ҳуқуқий оқибат келтириб чиқаради(3) [11, 42-44] [12, 40-42].

Маъмурий актнинг шакли турли кўринишларда бўлиши мумкин. Энг асосийси, “ҳуқуқий оқибат юзага келиши” талаб қилинади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2019 йил 24 декабрдаги 24-сонли қарори 5-бандига кўра, “Қарор деганда, маъмурий орган ёки унинг мансабдор шахси томонидан якка ёки коллегиал тарзда қабул қилинган ва муайян ҳуқуқий оқибат туғдирувчи ҳужжат тушунилади. Бунда шуни назарда тутиш лозимки, қарорлар белгиланган шаклда (масалан, жойлардаги ижро ҳокимияти органлари қарорлари) ёки эркин тарзда (масалан, фуқаронинг мурожаатини қаноатлантиришни рад этиш тўғрисидаги ёзма хабар) қабул қилиниши мумкин”.

Таъкидлаш жоизки, маъмурий акт фақат қоғоз (хужжат) кўринишида бўлмайди, чунки ёзмадан ташқари унинг оғзаки, электрон, белгили каби шакллари ҳам мавжуд. Бундан ташқари, маъмурий акт маъмурий органнинг ички идоравий муносабатлари эмас, балки ташқи субъектларга йўналтирилган муносабатларига нисбатан чиқарилиши, жазолаш ва норматив хусусиятга эга бўлмаслиги, тартибга солиш (регулятив) хусусиятига эга бўлишини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим.

Шунга кўра, МТТтҚонуннинг бир қатор меъёrlарида рус тилидаги таҳрирда келган “документ” ва “акт” сўzlари ўзбек тилида бир хилда “хужжат” тарзида келтирилганини кўриш мумкин [13]. Бу эса маъмурий актнинг маъноси нотўғри тушунилишига олиб келиши мумкин. Шунга кўра, Ўзбекистон МТТтҚонуннинг ўзбек тилидаги таҳририда “маъмурий ҳужжат” атамасини “маъмурий акт” деб ўзгартириш таклиф этилади.

Маъмурий акт нафақат ҳужжат шакlidаги, балки оғзаки, электрон шаклдаги актларни ҳам қамраб олишини эътиборга олиш лозим бўлади.

Маъмурий акт ташқи субъектларга йўналтирилган бўлиши (4), яъни маъмурий органнинг ички идоравий муносабатлари эмас, балки ташқи субъектларга йўналтирилган муносабатларига нисбатан қабул қилиниши назарда тутилади. Маъмурий акт индивидуал (аниқ) хусусиятга эга бўлиб(5), айрим жисмоний ёки юридик шахслар ёхуд муайян хусусий белгиларига кўра ажратиладиган шахслар гуруҳи(MTTtҚонун 4-моддаси)га қаратилганлиги билан ҳам ажралиб туради.

Юқорида амалга оширилган таҳлиллардан келиб чиқиб, маъмурий актнинг қуидаги бешта асосий белгиси мавжудлиги келиб чиқди: 1) маъмурий актнинг маъмурий орган томонидан қабул қилиниши, 2) ҳокимият ваколати асосида қабул қилиниши, 3) оммавий-ҳуқуқий муносабат ёки янада аниқроқ айтганда маъмурий-ҳуқуқий муносабат доирасида ҳуқуқий оқибат юзага келтириши, 4) ташқи субъектларга йўналтирилганлиги, 5) индивидуаллиги (аниқлиги) [14, Б.89-90]. Шунга кўра, маъмурий акт деганда маъмурий орган томонидан қабул қилинадиган, ташқи субъектларга йўналтирилган, оммавий-ҳуқуқий муносабат ёки янада аниқроқ айтганда маъмурий-ҳуқуқий муносабат доирасида ҳуқуқий оқибат келтириб чиқарувчи, аниқ (индивидуал) хусусиятга эга бўлган ҳар қандай ҳокимият таъсир чорасини тушуниш мумкин.

Ҳимоя ордерининг маъмурий акт мисолидаги маъмурий-ҳуқуқий жиҳатлари таҳлилига ўтадиган бўлсак, аввало шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 майдаги “Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган хотин-қизларни реабилитация қилишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5116-сон қарорига мувофиқ Ички ишлар вазирлиги ва унинг тегишли ҳудудий тузилмалари ҳимоя ордери нусхасини олган, яъни тазиқ ўтказган ва (ёки) зўравонлик содир этган ёхуд уларни содир этишга мойил бўлган шахсларни профилактик ҳисобга олишни амалга оширишга масъул ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги ЎРҚ-562-сонли Қонунининг 4-моддасига кўра, тазиқ ва зўравонликдан жабрланувчи ички ишлар органларига ҳимоя ордери бериш тўғрисидаги талаб билан мурожаат қилиш, ҳимоя ордери шартлари бузилган тақдирда эса, уларни бу ҳақда хабардор қилиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 4 январдаги “Хотин-қизларнитазиқвазўравонликданҳимояқилиштизиминитакомиллаштиришчора-тадбирлари тўғрисида”ги 3-сон қарори 1-иловаси билан тасдиқланган “Тазиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларга ҳимоя ордерини бериш, ижросини таъминлаш ва мониторинг олиб бориш тўғрисида”ги низомнинг 5-бандида тазиқ ва зўравонлик қурбонининг мурожаати ҳимоя ордерини бериш учун асос ҳисобланиши келтириб ўтилган. Мазкур Низомнинг 16-17 бандларига кўра, профилактика инспектори ҳимоя ордери берилганидан сўнг уч кун муддатда бу ҳақда тегишли туман (шаҳар) ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси, туман(шаҳар)ичкиишларбошқармаси(бўлими)бошлигинингҳуқуқбузарликлар профилактикаси масалалари бўйича ўринбосарини хабардор қиласи. Туман (шаҳар) ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси, туман (шаҳар) ички ишлар бошқармаси (бўлими) бошлигининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси масалалари бўйича

ўринбосари ҳимоя ордерини расмийлаштириш учун тўпланган материалларни ўрганиб, тарафлар фикрини эшитган ҳолда профилактика инспекторининг ҳимоя ордерини бериш тўғрисидаги қарорини бекор қилишга ҳақли.

Бундан ташқари, «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги Қонунининг 23-моддасига кўра, ҳимоя ордери тазиқ ва зўравонликдан жабрланувчига берилади. Тазиқ ўтказган ва (ёки) зўравонлик содир этган ёхуд уларни содир этишга мойил бўлган шахсга ҳимоя ордерининг нусхаси берилади. Ҳимоя ордерини берган ички ишлар органининг мансабдор шахси тазиқ ўтказган ва зўравонлик содир этган шахсни ҳимоя ордерининг шартлари ҳамда уни бажармаслик оқибатлари ва зўравонлик хулқ-авторини ўзгартириш бўйича тузатиш дастурларидан ўтиш зарурлиги тўғрисида хабардор қиласи. Тегишли ҳудудда тазиқ ва зўравонликнинг якка тартибдаги профилактикасини амалга ошириш учун масъул бўлган ички ишлар органининг мансабдор шахси тазиқ ва зўравонлик факти ёки уларни содир этиш хавфи аниқланган пайтдан эътиборан 24 соат ичида ҳимоя ордерини ўттиз кун муддатгача беради ва ушбу ордер расмийлаштирилган пайтдан эътиборан кучга киради. Ҳимоя ордерини бериш, узайтириш ёки ҳимоя ордерини беришни ёхуд узайтиришни рад этиш устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Юқоридаги қонун ҳужжатлари нормалари мазмунидан шуни кўриш мумкин, жабрланувчи шахс мурожаатига асосан ички ишлар органлари томонидан берилган ҳимоя ордерини маъмурий акт деб тавсифлаш мумкин. Бошқа ҳолларда эса, ҳимоя ордерини маъмурий акт деб тавсифлаш мушкул ҳисобланади.

Жабрланувчи шахс мурожаатига асосан ички ишлар органлари томонидан берилган ҳимоя ордерини маъмурий акт деб айтиш учун эса маъмурий актнинг юқорида келтирилган белгилари асосида таҳлил ўтказиш лозим. Жумладан, ҳимоя ордери ички ишлар органи, яъни маъмурий орган томонидан, ҳокимият ваколати асосида, оммавий ҳуқуқий муносабатларда муайян ҳуқуқий оқибатлар келтириб чиқариши (ички ишлар органлари томонидан ҳимоя остига олиниши), ташқи субъект ҳисобланган, аниқ (индивидуал) шахсга (жабрланувчига) берилиши билан маъмурий акт белгиларига тўла жавоб беради.

Шунга кўра, назаримизда, «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги Қонунининг 23-моддасида келтириб ўтилган ҳимоя ордерини бериш, узайтириш ёки ҳимоя ордерини беришни ёхуд узайтиришни рад этиш устидан айнан маъмурий судга шикоят қилиниши мумкин. Чунки мазкур муносабатлар оммавий ҳуқуқий муносабатлар доирасида юзага келмоқда ва бу ҳолларда ҳимоя ордери маъмурий актнинг барча белгиларига мувофиқ келади.

Маъмурий актнинг мавжудлиги уни қабул қилиш жараёнига оид нормаларга, жумладан, МТТТ Қонунга риоя қилинишини ҳам тақозо этади. МТТТ Қонуннинг қабул қилиниши билан эндилиқда юқори турувчи органлар ва маъмурий судлар томонидан маъмурий органларнинг маъмурий актларига нафақат моддий, балки процессуал қоидалар асосида ҳам тегишли ҳуқуқий баҳо бериш имкони кенгайди. Процессуал қоидаларга риоя этмаганлик маъмурий актнинг мазмунига таъсир этадиган бўлса, юқори турувчи орган томонидан бекор қилиниши, ўзгартирилиши, қонунга хилоф деб топилиши ёки маъмурий суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилишига олиб келиши мумкин. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2019 йил 24 декабрдаги 24-сонли қарори 20-бандига кўра, “... қарор қабул қилиш, ҳаракатни амалга ошириш тартибига риоя қилмаслик, фақат, башарти бу ҳолат унинг қонунийлигига таъсир қилган ҳолдагина, аризани (шикоятни) қаноатлантириш учун асос бўлиши мумкин”.

Демак, юқорида келтириб ўтилган қонунчилик ҳужжатларида процессуал қоидаларга риоя этмаганлик маъмурий акт, ушбу ўринда эса ҳимоя ордерини бериш, узайтириш ёки ҳимоя ордерини беришни ёхуд узайтиришни рад этиш тўғрисидаги тегишли қарорнинг мазмунига таъсир этадиган бўлсагина маъмурий актнинг ноқонунийлигини келтириб чиқариши мумкин.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистонда маъмурий ҳуқуқ соҳасидаги юқоридатаҳлиликлериган янги қонулар ўзнавбатида маъмурий ҳуқуқнинг гилмий-назарий асослари ҳамда уни суд амалиётида қўллашнинг янги имкониятларини ҳам очиб беради.

Жумладан, маъмурий акт белгиларини тўғри аниқлаш асосида тазийқ ва зўравонликдан жабрланувчи хотин-қизларнинг ички ишлар органларига ҳимоя ордери бериш тўғрисидаги талаб билан маъмурий судга мурожаат қилиш ҳуқуқининг ҳуқуқий кафолатланиши, ҳимоя ордерини бериш, узайтириш ёки ҳимоя ордерини беришни ёхуд узайтиришни рад этишга оид асоссиз ёки ноқонуний қарорлар чиқарилишининг олди олинади. Пировард натижада эса хотин-қизлар ҳуқуқлари кафолатланишига эришилади, шунингдек, давлат томонидан хотин-қизларни тазийқ ва зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилишнинг самарали механизми шаклланиб боради.

#### Иқтибослар/Сноски/References:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 8 январдаги “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги ЎРҚ-457-сон қонуни (Кучга кириш санаси 10.01.2019. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.01.2018. – 03/18/457/0525-сон).
2. Нематов Ж. Фуқаронинг маъмурий судга шикоят қилиш ҳуқуқи чекланиши мумкинми (судловга тааллуқлиликнинг айrim жиҳатлари таҳлили) // Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали. – 2020. – № S4.
3. Бахрах Д. Н., Хазанов С. Д. Формы и методы деятельности государственной администрации. – Екатеренбург, 1999.
4. Лазарев И. М. Административные процедуры в сфере взаимоотношений граждан и их организаций с органами исполнительной власти в Российской Федерации: Дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2002.
5. Odilqoriyev X.T. Davlat va huquq nazariyasi. –T.: Adolat, 2018.
6. Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. – Т.: Адолат, 2007.
7. Алексеев С.С. Общая теория права: – М.: Проспект, 2009.
8. Габбасов А. Б. Досудебное обжалование административных актов // Ежегодник публичного права – 2014: «Административное право: сравнительно-правовые подходы». – М.: Инфотропик Медиа, 2014.
9. Хван Л.Б. Фиктивный административный акт: перспективы регуляции в странах Центральной Азии // Ежегодник публичного права 2016: Административный акт. – М.: Инфотропик Медиа, 2015.
10. Маъмурий орган тушунчаси ҳақида қаранг.: Хамедов И.А. Вопросы о понятии «административные органы» // Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари ахборотномаси. – 2014. – № 1(17).
11. Астанов М.К. Маъмурий ишларни кўришда биринчи инстанция суди томонидан процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айrim масалалари // Одил судлов. – 2018. – № 8.
12. Эшимбетов М. Маъмурий органлар, улар мансабдор шахсларнинг қарорлари ва ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) // Одил судлов. – 2018. – № 6.
13. Изоҳ 2: мисол учун МТТтҚонуннинг 8, 13, 14, 23, 34, 37, 42, 43, 44, 45, 52, 55, 57, 58, 61 моддалари ўзбек ва рус тилидаги матнига қаранг.
- 14.市橋克哉編『アクチュアル行政法』法律文化社2010年89–90頁。